




Якубжонова Ш.Т., Ражабов Ф.Т.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АГРОТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ



Якубжонова Ш.Т., Ражабов Ф.Т.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АГРОТУРИЗМ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСЛАРИ



26.8
А-28

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

Якубжонova Ш.Т., Ражабов Ф.Т.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АГРОТУРИЗМ
САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ
АСОСЛАРИ

Ўқув-услубий қўлланма

2364 -

Тошкент - 2020

Ўқув-услубий қўлланмада мамлакатимиз ҳудудини агротуристлик районларга ажратишнинг илмий асослари, агротуристлик районлар ва уларнинг туристик салоҳияти, агротуристлик маршрутларни ташкил этиш қоидалари, Фарғона водийси агротуристлик маршрутларининг тавсифи берилган. Ушбу қўлланма экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, география, туризм, қишлоқ хўжалиги, ўлкашўнослик, иқтисодиёт ва сервис йўналишида фаолият юритаётган фан, таълим ва амалиёт ходимлари, педагоглар, докторантлар, магистрантлар ва бакалаврлар учун мўлжалланган.

Муаллифлар:

Якубжонов Ш.Т. – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Ботаника кафедраси доц. в.б., география фанлари бўйича фалсафа доктори.

Ражабов Ф.Т. – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти География кафедраси мудири, география фанлари бўйича фалсафа доктори.

Тақризчилар:

Курбонов Ш.Б. – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доц. в.б., география фанлари бўйича фалсафа доктори.

Маҳмадалиев Р.Й. – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти География кафедраси доценти, география фанлари номзоди.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ўқув-услубий кенгашининг 2020 йил 30 январдаги 01/9-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Республикамызда туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон туристик бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширишмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада республикамызда агротуризмнинг ривожланишига табиий географик омилларнинг таъсири, уларнинг ҳудудий фарқлари ва мавсумий ўзгариш хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 апрелдаги 03/1-220-сон билан тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда намунали фермер хўжаликларини сайёҳларга хизмат кўрсатишга мослаштириш, уларга сайёҳларни жалб қилиш ҳамда уларнинг мамлакатимизда бўлиш муддатларини узайтириш мақсадида агротуризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури" ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу услубий қўлланма муайян даражада хизмат қилади.

1-§. Ўзбекистонни агротуристтик районларга ажратиш ва улардан туристик мақсадларда фойдаланиш

Районлаштириш география фанларида кенг қўлланиладиган ҳудудий тизимларни тартибга солиш ва тизимлаштиришнинг универсал методи ҳисобланади. У қўлаб географик муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Географиянинг турли соҳаларида районлаштириш муаммолари билан турли йилларда Н.А.Гвоздецкий, В.И.Прокаев, Ф.Н.Мильков, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, И.В.Зорин, П.Баратов, Ш.С.Зокиров, И.Мўминов, А.А.Соатов, А.Солиев, Р.Маҳмадалиев, Т.Джумаев, И.А.Ҳасанов, А.Н.Нигматов, Н.Т.Шамуратова ва бошқалар тадқиқотлар ўтказган.

Биз мазкур районлаштириш йўналишлари бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон ҳудудини агротуристтик районларга ажратишда фойдаландик. Айниқса, агротуристтик салоҳиятни аниқлашда турли табиий географик районлаштиришда ажратилган ландшафт мажмуаларининг ҳудудий фарқларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Район сўзи француз тилида "rayon" – "жой", "ҳудуд" деган маънони англатади. Районлаштириш эса, муайян маъмурий ёки табиий бўлинишни турли мақсадларда, унинг маълум бир кўрсаткичларига биноан таксономик бирликларга ажратиш ва номлашдир. Районлаштиришда муайян маъмурий ва табиий бўлиниш таксономик бирликларга мувофиқ равишда, яъни тизимлашган иерархик поғоналар асосидаги жой ёки ҳудудлардан иборат бўлади. Районлаштириш икки жараёни – районларнинг шаклланиши ва ривожланиши (район ҳосил бўлишини) ва мазкур районларни аниқлашни (районлаштириш) ўзида бирлаштиради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, агротуристтик районларни ажратиш бўйича ҳозирга қадар Ўзбекистонда махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу сабабдан биз туризм бўйича умумий районлаштириш ва унинг баъзи йўналишлари бўйича амалга оширилган тадқиқотларни таҳлил қилдик. Масалан, Е.А.Котляров рекреацион районлаштиришни амалга оширишда ҳудуднинг